


«Олой дехкон бозори» АЖ
акциядорларининг 2015 йил
09 июндаги навбатдан ташқари
умумий йиғилиши томонидан

ТАСДИҚЛАНГАН

Умумий йиғилиш раиси



«Олой дехкон бозори» акциядорлик жамиятининг

Кузатув кенгаши тўғрисидаги

НИЗОМИ

(янги тахрири)

МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалари	3
2. Кузатув кенгашининг ваколатлари	3
3. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш	4
4. Кузатув кенгаши Раиси	4
5. Кузатув кенгаш мажлиси	5
6. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	6
7. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги	6

1. Умумий қондалар

1.1. Мазкур Низом «Олой дехкон бозори» акциядорлик жамияти (бундан буён Жамият деб юритилади) Кузатув кенгашини ташкил этиш ва унинг фаолият тартибини, аъзоларини сайлашни, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6-майдаги 370-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонун (бундан буён матида Қонун деб юритилади) ҳамда Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Жамият Кузатув кенгаши ўз ишhini қонунчилик, мазкур Устав ва акциядорлар Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган мазкур «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом асосида амалга оширади.

1.4. Жамият Кузатув кенгашининг сон таркиби Жамият Уставада белгилаб қўйилади.

2. Кузатув кенгашининг ваколатлари

2.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Қонун ва Жамият Устави билан акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

2.2. Кузатув кенгаши ваколатларига қўйилагилар киради:

жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

жамиятнинг устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш;

жамиятнинг Устав фондини эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;

акцияларни жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюктурисидан келиб чиққан ҳолда белгилаш;

жамият Уставига Жамиятнинг Устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли орқали кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш;

эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ва тасдиқлаш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига (қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага) ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қонунчиликда белгиланган ҳолда қимматли қоғозлар жойлаштирилиши ва муомиласини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамият ўзи жойлаштирган акцияларни уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида қарор қабул қилиш;

корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш, бундан Қонунни 65 моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар Умумий йиғилишининг қон тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилаш;

акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларни акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш, Жамият Уставига Жамиятнинг Устав фондини акциялар номинал қийматини ошириш йўли орқали кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини (директорни) сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Жамият ижроия органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги кузатув кенгашининг қарори, одатда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

Жамиятнинг Директорига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

Директор билан тузилган шартномаларни амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиш;

Йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг низоми, харажатлар сметаси, иш режасини тасдиқлаш, ходимларини тайинлаш ҳамда ҳисоботини **ҳар чоракда** эшитиб бориш ва тасдиқлаш;

Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият қузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Қузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тулаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

Жамиятнинг шуъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;

Қонуннинг **8 ва 9-бобларида** ва мазкур Уставда назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг тижорат ва нетижорат ташкилотлардаги иштироки билан бонлик битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

2.3. Жамият Қузатув кенгашининг ваколат доирасига Қонун ва Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

2.4. Жамият қузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг Директорига ўтказилиши мумкин эмас.

3. Қузатув кенгаш аъзоларини сайлаш

3.1. Жамиятнинг Қузатув кенгаши аъзоларини сайлаш Қонунда ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда бир йил муддатга акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади.

3.2. Жамиятнинг Қузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

3.3. Жамият Директори Қузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

3.4. Айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Қузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.5. Жамиятнинг Қузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

3.6. Жамиятнинг Қузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

3.7. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Қузатув кенгашига сайланиши дозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

3.8. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Қузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

4. Қузатув кенгаш Раиси

4.1. Жамият Қузатув кенгашининг Раиси Қузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан қузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

4.2. Жамиятнинг Қузатув кенгаши ўз раисини Қузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

4.3. Жамият Қузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Қузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларга раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг Умумий йиғилишида раислик қилади.

4.4. Жамият қузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини қузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

4.5. Қузатув кенгаш раиси, агар қузатув кенгашининг қарори билан ушбу ваколатлар бошқа шахсга юкланмаган бўлса, Директор билан тузилган шартномаларни жамият номидан имзолайди.

5. Кузатув кенгаш мажлиси

5.1. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, директорнинг, шунингдек жамият овоз берувчи акцияларининг камида **беш фоизига** эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чакирилади.

5.2. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан **хар чоракда** камида бир марта чакирилади. Заруриятга кўра жамият кузатув кенгашининг мажлислари чоракда **бир мартадан кўпроқ** ўтказилиши мумкин.

5.3. Янги бир йил муддатга сайланган Кузатув кенгашининг биринчи мажлиси жамият кузатув кенгаши аъзоларидан бири томонидан мажлис чакирилиши тўғрисидаги бошқа кузатув кенгаши аъзоларини хабардор қилиш орқали чакирилади. Кузатув кенгашининг ушбу мажлисида жамият Кузатув кенгаши раисини сайлаш масаласини кўриши шарт.

5.4. Мазкур Низомнинг 5.1.-бандида белгиланган шахс томонидан кузатув кенгаши мажлисини чакириш тўғрисидаги ёзма талаб келиб тушган тақдирда, кузатув кенгашининг раиси келиб тушган талабни кўриб чиқишга мажбур. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш тўғрисидаги талабда мажлис кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган ҳамда мажлис чакирилишини талаб қилаётган шахснинг электрон манзили бўлиши керак. Талаб тақдим этган санадан эътиборан **ўн кун** ичида жамият кузатув кенгашининг раиси мажлисни чакиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак. Чакириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда талабда кўрсатилган масалани (масалаларни) кўриб чиқиш бўйича кузатув кенгаши мажлиси кузатув кенгаш раиси томонидан тегишли талаб олинганидан бошлаб **ўттиз иш кунидан** кечиктирмай ўтказилиши керак. Жамият кузатув кенгаши раиси томонидан мажлис чакириш ёки бундай мажлисни чакиришни рад этиш ҳақидаги асослантилган қарори мажлис чакиришни талаб қилган шахсга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан **уч иш кундан** кечиктирмай электрон манзил орқали юборилади.

5.5. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум аниқланади. Жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида кворум ҳисобланади. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур бандида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчинини тайинлашга ҳақлидир.

5.6. Жамиятнинг кузатув кенгаши мажлиси кворуми мавжуд бўлган тақдирда жамият кузатув кенгаши ваколатли бўлади. Кузатув кенгаши мажлисини кузатув кенгаши раиси, у бўлмаган тақдирда эса, унинг кузатув кенгашининг аъзоларидан бири очади, мажлис кун тартибини эълон қилади ва мажлисини олиб боради. Йиғилиш кун тартиби масаласи бўйича кузатув кенгаши раиси, кузатув кенгаши аъзоси ёки кун тартиби масаласи бўйича маъруза билан таклиф этилган шахс чиқишлари тингланади. Чиқишларнинг натижаларига кўра кун тартибидаги масала муҳокама қилинади. Овозга қўйилган савол бўйича овоз берилади. Кузатув кенгаши раиси, у бўлмаган тақдирда эса, унинг кузатув кенгашининг аъзоларидан бири овозга қўйиш натижаларини ва қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттиради. Кун тартибига қўйилган масалалар кўриб чиқиши натижасига кўра, кўрсатилган шахс йиғилишни ёпик деб эълон қилади.

5.7. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар кузатув кенгашининг мажлисини чакириш ва ўтказиш тартибини белгилловчи Қонун ва мазкур Уставда, ўзгача ҳолда назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг **кўпчилик** овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда жамият кузатув кенгаши раиси **ҳал қилувчи овози** ҳуқуқига эга.

5.8. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (суров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

5.9. Қонун 18-моддасининг **иккинчи ва тўртинчи қисмларида** ва Уставнинг 4.4. ва 4.6. бандида кўрсатилган масалалар бўйича қарор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

5.10. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан **сўнг ўн кундан** кечиктирмай тузилади.

Мажлис баённомасида қуйдагилар кўрсатилади:

мажлисе ўтказилган сана, вақт ва жой;
мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
мажлисининг кун тартиби;
овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
қабул қилинган қарорлар.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

5.11. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг Директорига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг Директорига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

6. Кузатув кенгаш аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. Кузатув кенгаш аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кузатув кенгаш мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

Кузатув кенгаш қарорига кўра муайян даврда жамиятнинг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида ахборот олиш;

Кузатув кенгаши вазифаларни бажарганлик учун тақдирлаш пули ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олиш (агар тақдирлаш пули тўлаш ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини коплаш жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорида назарда тутилган бўлса);

Конунчилик, жамият устави ва мазкур Низомга мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

6.2. Кузатув кенгаш аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш кузатув кенгаши раиси томонидан кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун тақдирлаш пули миқдори фаолият самарадорлигига қараб акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

6.3. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари қуйидагиларга мажбурдирлар:

Жамият битишув тузишидан аффилиганлиги тўғрисида конунчиликда белгиланган тартибда жамиятни хабардор этиш;

Кузатув кенгаш аъзолари ўзларининг мажбуриятларини ҳалол, шунингдек жамият манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга ошириш;

Конунчилик, жамият устави ва мазкур Низомга мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

6.4. Кузатув кенгаш аъзолари кузатув кенгаш томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

6.5. Кузатув кенгаш аъзолари жамият имкониятлари (мулкӣй ва номулкӣй ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

7. Кузатув кенгаш аъзоларининг жавобгарлиги

7.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари жамият олдида конунчилигига ва жамият уставига мувофиқ жавоб берадилар.

7.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

7.3. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

7.4. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

7.5. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб қаида бир фондига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини коплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.